O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

# Акциядорларнинг навбатдаги хисобот умумий йиғилиши 34 - сонли баённомасидан кўчирма

Манзили "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ биноси, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 3

2016 йил 29 апрель
иш вакти 11.00-13.00

Йиғилишни Банк Кенгаши Раиси ўринбосари – Р.Ғуломов очди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги *(кворум тўплanганлиги)* бўйича сўз Саноқ комиссиясининг раиси – Азизхон Нодировга берилди. "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2016 йил 25 апрель ҳолатига Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 204 365 135 *(икки юз тўрт миллион уч юз олтмиш беш минг бир юз ўттиз беш)* дона оддий акциялар эгаси бўлган 5 199 *(беш минг бир юз тўққсон тўққиз)* та акциядор киритилган.

Саноқ комиссияси раиси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 177.921.214 *(бир юз етмиш етти миллион тўққиз юз йигирма бир минг икки юз ўн тўрт)* дона ёки 87,1 фоизига эгалик қилувчи 35 *(ўттиз беш)* нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Банк Кенгаши Раиси ўринбосари – Р.Ғуломов банк Акциядорларининг Умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ҳамда йиғилишда банкнинг йирик акциядорлари - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги номидан молия вазири ўринбосари – М.Мирзаев, "Навоий кон-металлургия комбинати" номидан Бош директор ўринбосари – С.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки номидан бошқарма бошлиғи – Б.Мирзаев ҳамда бошқа акциядорлар ва уларнинг вакиллари, Банкнинг масъул ходимлари шунингдек, ташқи аудит вакили иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди:

*Йиғилиш ҳайъати:* Р.Ғуломов (Раислик қилувчи), М.Мирзаев, С.Ғуломов, Б.Мирзаев, Ж.Обиджонов.

*Йиғилиш котибияти:* З.Баймурадова, К.Хасанова

*Саноқ комиссияси:* А.Нодиров, О.Рахмонов, Ф.Зоиров, Ф.Хикматов

*Кун тартибидаги биринчи масала* – “Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш” масаласи юзасидан Банк Бошқаруви Раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси – Ж.Обиджонов маъруза қилди.

*Кун тартибидаги иккинчи масала* – “Банк Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш” масаласи бўйича Тафтиш комиссияси аъзоси – О.Юсупов маъруза қилди.

*Кун тартибидаги учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ҳамда еттинчи масалалар* бўйича Умумий йиғилиш Раиси Р.Ғуломов тушунтиришлар бериб ўтди. Йиғилиш Раиси ўз сўзида мазкур масалалар Банк Кенгашининг мажлисида дастлабки тарзда кўриб чиқилганлиги ва тасдиқланганлигини ҳамда ушбу масалалар бўйича барча тегишли маълумотлар, хулосасалар ва тавсиялар тарқатма материалларда келтирилганлигини маълум қилди.

*Кун тартибидаги саккизинчи* – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш, *тўққизинчи* – Банк Устави, “Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги (регламент)”, “Банк Кенгаши тўгрисида”ги, “Банк тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Банк саноқ комиссияси тўғрисида”ги ва “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги Низомларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, *ўнинчи* - “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ички назорат тўғрисида”ги ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш, *ўн биринчи* – “Банкнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ва уни қайта тасдиқлаш ҳамда *ўн иккинчи* – Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш масалалари бўйича Банк юридик бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонович Усмонов маъруза қилди.

Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳамда киритилган таклифлар ва овоз бериш якунларини ҳисобга олган ҳолда, Акциядорлар Умумий йиғилиши - “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБни республика иқтисодиёти ва банк тизимини ислоҳ этиш ҳамда миллий иқтисодиётдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Ҳукумат қарорларини бажариш йўлида барқарор фаолият юритаётганлигини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-кувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш, банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялаш бўйича инвестицион жараёнлардаги иштирокини

фаоллаштириш, бозор ва банк инфратузилмасини кенгайтириш, молиявий кўрсаткичларни янада яхшилаш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга қаратилган қарорлар ва дастурларни бажаришда Ўзсаноатқурилишбанкнинг фаоллигини ошириш мақсадида, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиб, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг фаолияти қониқарли деб топилсин;

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 177.921.214 овоз
“ёқлайман” - 177.885.214 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” – 36.000

2. Банк Тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 177.921.214 овоз
“ёқлайман” - 177.921.214 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” – йўқ

3. Банкнинг 2015 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 177.921.214 овоз
“ёқлайман” - 177.921.214 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” – йўқ

4. Банк Кенгаши таклиф этган банк фойдасини тақсимлаш тартибига розилик билдирилсин.

Банк Кенгаши тавсия этган банк фойдасини тақсимлаш тартибига розилик билдирилсин. Тақсимланиши лозим бўлган 61 585,0 млн. сўм фойда қуйидагиларга йўналтирилсин:

- Умумий мақсадли заҳирани шакллантиришга – 3.079,2 млн. сўм;
- Имтиёзли кредитлаш фондини шаклантиришга – 12.317,0 млн. сўм;
- «Стандарт» деб таснифланган активлар бўйича заҳира – 13.051,8 млн. сўм;
- Банк Устав капиталини капитализациясига – 12.650,0 млн. сўм *(Банкнинг 2015 йилдаги соф фойдасининг бир қисми ҳисобига Банк Устав капиталини кўпайтириш Банкнинг XXI – эмиссия доирасида чиқарилган акцияларни жойлаштириш натижаларидан сўнг қонунчиликда ва Банк Уставида белгиланган тартибда амалга оширилсин)*;
- Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлашга — 1.555,7 млн. сўм;
- Банкнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлашга — 18.500,0 млн. сўм;
- Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини тақдирлашга — 430,1 млн. сўм.
- Тақсимланмаган фойдадан қолаётган қолдиқ маблағ - 1,2 млн.сўм

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.921.214 овоз

“ёқлайман” - 177.832.785 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” – 88.429

4.1. Банк акциялари бўйича 2015 йил учун дивидендлар тўлаш ҳақидаги Банк Кенгашининг таклифи қабул қилинсин ва қуйидаги миқдорда дивидендлар тўлансин:

- имтиёзли акциялар бўйича йиллик 23% ҳисобидан 1.555,7 млн. сўм;
- оддий акциялар бўйича йиллик 2,67% ҳисобидан 18.500,0 млн. сўм.

*Дивидендларни тўлаш акциядорларнинг ҳисоб варақларига пул ўтказиш орқали мазкур қарор тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг, лекин ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддатда амалга оширилсин.*

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.921.214 овоз

“ёқлайман” - 177.832.785 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” – 88.429

5. Кумуллятив овоз бериш натижаларига кўра, Банкнинг Саноқ комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:

| Сайланувчининг ФИШ | Лавозими | овозлар сони | овозлар фоизда |
|---|---|---|---|
| Ибрагимов Ғуломжон Иномович | Ўзбекистон Республикаси Бош Вазир ўринбосари | 948 836 185 | *59,25* |
| Басидов Искандар Сабитович | “Ўзбекэнерго” АЖ Бошқаруви Раиси | 176 133 748 | *11,0* |
| Султонов Алишер Саидаббасович | “Ўзбекнефтгаз” МХК Бошқаруви Раиси | 162 345 163 | *10,14* |
| Ғуломов Саидахрол Ғаниевич | Навоий кон-металлургия комбинати Бош директори ўринбосари, миноритар акциядорлар манфаатларини ифода этади | 55 213 293 | *3,45* |
| Мирзаев Мубин Мухитдинович | Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари | 53 160 997 | *3,32* |
| Ғуломов Равшан Аюбович | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори | 51 990 511 | *3,25* |
| Хайдаров Ахадбек Яхёбекович | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси ўринбосари | 51 834 343 | *3,24* |
| Камалов Аюбхон Арибджанович | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қимматли қоғозлар ва молия бозори бўлими бошлиғи | 50 942 343 | *3,18* |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Мухтаров Улуғбек Хакимович | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бошқарма бошлиғи ўринбосари | 50 834 343 | *3,17* |

6. Акциядорлар умумий йиғилишининг овоз бериш натижаларига кўра, Банкнинг Саноқ комиссияси баённомасиға мувофиқ Банк Тафтиш комиссияси таркибига қуйидагилар сайлансин.

**Абдувалиева Фарида Абдурахимовна,**
"Ўзбекэнерго" АЖ, бошқарма бошлиғи

**Дўсматов Фарҳод Мусурмонович,**
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи

**Дарвишев Нурбек Муратович**
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бош мутахассиси

**Насыров Рустам Бахадырович**
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги етакчи мутахассиси

**Худойбердиев Олимжон Абдуллаевич**
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бош мутахассиси

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 177.921.214 овоз
"ёқлайман" - 177.921.214 овоз, "қаршиман" - йўқ, "бетарафман" – йўқ

7. Банк Бошқаруви аъзолари Бошқаруви аъзолари - Ж.Обиджонов, Ш.Якубов, О.Алмарданов, Б.Усмонов, О.Вохидов билан тузилган меҳнат шартномалари бир йил муддатга узайтирилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 177.921.214 овоз
"ёқлайман" - 177.921.214 овоз, "қаршиман" - йўқ, "бетарафман" – йўқ

8. "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ тизимида Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбурияти қабул қилинсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 177.921.214 овоз
"ёқлайман" - 177.848.962 овоз, "қаршиман" - йўқ, "бетарафман" – 72.252

- Банк тизимида Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбурияти қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабар бериш шакли тасдиқлансин ва белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон берилсин.
- Банк Кенгаши ва Банк Бошқарувига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ тизимида тадбиқ этиш

бўйича барча зарурий чора – тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

9. Банк Устави, “Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги (регламент)”, “Банк Кенгаши тўғрисида”ги, “Банк тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Банк саноқ комиссияси тўғрисида”ги ва “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги Низомларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.921.214 овоз

“ёқлайман” - 177.921.214 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” – йўқ

10. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ички назорат тўғрисида”ги ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомлар тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.921.214 овоз

“ёқлайман” - 177.885.214 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” – 36.000

11 Банкнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва у қайта тасдиқлансин

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.921.214 овоз

“ёқлайман” - 177.882.189 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” - 39.025

12. Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиялари тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 177.921.214 овоз

“ёқлайман” - 177.874.963 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” - 46.251

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ**
**Акциядорлари умумий йиғилиши Раиси:** **Р.Ғуломов**

**Акциядорлар умумий йиғилиши котибияти:**

**З.Баймурадова**

**К.Хасанова**

SQB DEVONXONA
O'ZBEKISTON SANOAT-QURILISH BANKI AKSIYADORLIK TIJORAT BANKI

ASLIGA TO'G'RI